



Доктор Маҳмуд Таҳҳоннинг шахсий ва илмий фаолияти

Зокиров Акбархон

Тошкент ислом институти талабаси

Аннотатция: Мазкур мақолада Ҳадис илмига катта ҳисса қўшган Доктор Маҳмуд Таҳҳоннинг ҳайот ва йозган асарлари ҳақида малумот бердим.

Калит сўзлар: Аҳмад Таҳҳон, Манбиж, Мафҳумут таждид байнас сунатин набавийя ва адияит таждид, Қоҳира.

Туғилишлари ва ҳаётлари

Маҳмуд Таҳҳон 1935-йил Ҳалаб диёрининг Қазоул боб деган шаҳрида дунёга келдилар. Сўнгра у ердан Манбиж¹ шаҳрига, сўнгра Ҳалабга кўчиб ўтадилар. У киши диний оилада катта бўлдилар. Оталарининг исми Аҳмад Таҳҳон ҳисобланади².

Илм олишлари

Бошланғич дарсларини Киман Бо шаҳрида ва қисман Манбиж шаҳрида таҳсил оладилар.

Сўнгра Ҳалабдаги Ўрта махсус мадрасасига ўқишга кириб у ердан 1954-йилда Дипломларини кўтарган ҳолларида у ерни бителиб чиқадилар.

Қуръони каримни ёд олишни қорилар мадрасасида Шайх Муҳаҳмад Нажиб ҳузурларида бошлайдилар ва ана шу устозларини олдиларида Қуръони Каримни мукамал даражада ёд оладилар. Маҳмуд Таҳҳон Қуръонни ёд олишлари Ўрта махсус мадрасада ўқиётган пайтларига тўғри келади. Яъни ҳам илмий дарслари, ҳам қуръон сабоқларини бир вақтда олиб борадилар. У киши устозларига Қуръони

¹ Манбиж – Сурия шимолида жойлашган, ҳалаб диёрини шимлий шарқидаги бир шаҳарнинг номи

² Абдулҳай ибн Аҳмад Ханбалӣ. Шузурутус заҳаб. Дару Ибн Касир нашриёти. Миср. 1996. Ж. 6. –Б. 265.



каримни Хусровийя масжидида Бомдод намозидан сўнг ўқиб бериб, икки йилда Қуръони каримни мукаммал даражада ёд оладилар.

1956-йил Дамашқдаги Университетнинг Шариат факултетига ўқишга кириб, у ерда 4 йил мукамал иқтидор билан дарс ўрганиб 1960-йилда у ерни битириб чиқадилар. У киши Университетда ўқиб юрган кезларида уйланадилар. Шариат факултетини битирганларидан сўнгра Мажбурий ҳизмат бўлмиш армияга 1961-йили чиқадилар.

Илмий мерослари.

У зоттан қолган илмий меросларини 3 қисмга бўлиш мумкин:

1-Ёзган асарлари.

Тайсир Мусталаҳул ҳадис.

Усулут тарих ва диросатул асанид.

Хатиб Бағдодий.

Ман лиссуннатил явм.

Инаятул муҳаддисин биматнил ҳадис ка инаятиҳим биласанид.

Мафҳумут тажид байнас сунатин набавийя ва адияит тажид³.

2- ёзган таҳқиқлари:

АЛ-Жомеъ лиахлақир ровий ва адабис сомеъ.

Ал-мўжамул авсат.

Ал-ҳадис ала абвабил фикҳ.

3-илмий изланишлари.

Ҳужжийятус сунна ва даҳзуш шубуҳатиллати тусару ҳавлаҳа.

Ар-родду алад дуктур Ҳасан Туробий

Мўжамул мусталаҳатил ҳадисийя.

Вафотлари.

³ Абдулҳай ибн Аҳмад Ҳанбалӣ. Шузурутус заҳаб. Дару Ибн Касир нашриёти. Миср. 1996. Ж. 6. –Б. 265.



Махмуд Тахҳон роҳимахуллоҳ Қоҳира шаҳрида ҳижрий 1444-йил робиул ахир ойининиг 30-куни, мелодий 2022-йил 24-ноябрда пайшанба куни тонггида вафот этадилар ва Қоҳира шаҳрига дафн қилинадилар⁴.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллоҳ ибн Сулаймон Ғуфайлий. Ибн Ражаб Ҳанбалий ва асаруҳу фи тавзиҳ ақидатис салаф. Дарул масир нашриёти. Қоҳира. 2007. Ж. 1. –Б. 623.
2. Ибн Касир. Ал-бидоя ван ниҳоя. . Дарул кутубил илмийя нашриёти. Байрут. 2009. Ж. 14. –Б. 596
3. Жалолиддин Суютий. Ҳуснул муҳазоро фи тарихи миср ва қоҳира. Дару Ихя кутубил арабийя нашриёти. Қоҳира. 2006. Ж. 2. –Б. 478.
4. Доктор Саид Абдулфаттоҳ. Асрул мамаликий фи миср ваш шам. Дарун наҳзатил арабий нашриёти. Қоҳира. 1976. –Ж. 653.
5. Ибнул Асир Алий ибн Муҳаммад. Ал-Комил фит тарих. Дарул кутубил илмийя нашриёти. Байрут. Ливан. 2001. Ж. 12. –Б. 589
6. Ибн Ражаб Бағдодий. Аз зайлу ала Тобақатул Ҳанбалийя. Дарул кутубил илмийя нашриёти. Байрут. 2009. Ж. 2. –Б. 556.

⁴ Хатиб Боғдодий Ал-кифоя фий илмир ривоя. Дорул кутубил илмийя нашриёти. Байрут. 2014. –Б. 189.